# КУЧ — АДОЛАТДА

2014 йил
15 февраль,
шанба
№ 7 (468)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.










## СОҒЛОМ БОЛА — ФАРОВОН КЕЛАЖАК ГАРОВИ

**Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида қайд этилганидек, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.**

**Дарҳақиқат, ҳар бир ота-она фарзандининг соғлом бўлиб вояга етишини, замонавий таълим-тарбия олишини, бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришини истайди, унга қулай шароит яратишга интилади. Боласининг шодон кулгисидан ўзини бахтиёр ҳис қилади, эришган ҳар бир ютуғидан фахрланиб юради.**

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг таълим-тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, касб-ҳунар эгаллашига кенг имконият яратишга доимий эътибор қаратиб келинаётир. Биргина болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар самараларини бугун юртимизнинг барча ҳудудларида кўриш мумкин. Чунки чекка қишлоқларда ҳам бунёд этилаётган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*E`tirof*

## Комилликка етакловчи маънавий мерос

**Аждодларимизнинг ибратли ҳаёти, серқирра ижоди, илм-фан ривожи йўлидаги оламшумул ишлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Уларнинг асарларида тараннум этилган инсон руҳиятининг гўзал бадиий ифодаси, маънавий юксакликка интилиш, тинчлик ва фаровонлик, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, яратувчанлик каби эзгу ғоялар бугун мамлакатимизда барча соҳаларда эришилаётган ютуқларда ўз ифодасини топмоқда.**

Халқимизнинг бой маданий мероси, айниқса, буюк аждодларимиз — Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур ва бошқа мутафаккирларнинг жаҳон илм-фани ривожидаги ўрни ва таъсири ёш авлод маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Улуғ шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур халқимизнинг ана шундай буюк фарзанди, миллий фахри ва ғururидир. Ўзбек мумтоз адабиётининг нодир саҳифаларини ташкил этувчи Бобур шеърияти, мана неча асрки, барҳаёт яшаб, теран инсоний маънолари билан бизни ўзига ошуфта этиб келмоқда. Бобур ғазаллари асосида яратилган қўшиқлар мусиқа санъатимизнинг хазинасига муносиб улуш бўлиб қўшилмоқда ва маънавий тафаккуримизни бойитишга хизмат қилмоқда.

Шу боис мамлакатимиз таълим масканларида миллий адабиётимизни чуқур ва мукаммал ўргатишга, шу орқали ёш авлод маънавиятини юксалтиришга, уларни Ватанга муҳаббат, умрбоқий анъаналаримизга ҳурмат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларни миллий анъана ва қадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда улуғ аждодларимиз, хусусан, Бобур Мирзо ижодидаги эзгу ғоялардан кенг фойдаланилмоқда.



**(Давоми иккинчи бетда)**

**Аввало шуни айтиш кераккки, Жиноят кодексининг 239-моддасида суриштирув ва дастлабки терговлар маълумотларини рухсатсиз ошкор этганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган.**

*Huquqiy savodxonlik sari*

## Суриштирув ва дастлабки тергов маълумотлари

### уни рухсатсиз ошкор этиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади

Суриштирув ва дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи ёки прокурорнинг рухсатисиз ошкор этиш ижтимоий хавфли қонунбузарлик саналиб, тергов органининг саъй-ҳаракатлари туфайли тўпланган ҳаққоний далилларни ишга алоқадор кимсалар томонидан йўқ қилишга, айбдорларнинг тергов ва жавобгрликдан бўйин товлашига уриниш сингари салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Qonun ko`magi*

## Хорижий инвестиция

### иқтисодиётимизни юксалтиришда муҳим ўрин тутади

**Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор суръатларда ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш, миллий иқтисодиётимизни жаҳон иқтисодий тизимига интеграллашувини таъминлаш муҳим масалалардан биридир.**



**(Давоми иккинчи бетда)**

*Yangi qonun mohiyati*

## Атроф-муҳит муҳофазаси

### бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари иштироки янада кенгайтирилди

**Аввало шуни қайд этиш жоизки, мамлакатимизда истиқлолнинг ўтган даврида экологик муносабатларни тартибга солишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилиб, улар атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш жараёнига изчиллик билан татбиқ этиб келинмоқда.**

Мазкур ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида эътироф этилаётган **"Экологик назорат тўғрисида"**ги қонун Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ ишлаб чиқилди.

2013 йил 28 декабрдан кучга кирган мазкур қонун экологик назоратни амалга оширишда, мамлакатимиз минтақаларида атроф-муҳитни ва аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги вазиятнинг мониторингини олиб боришда жамоатчиликнинг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини янада оширишга, экологик назоратни амалга ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган.

**(Давоми учинчи бетда)**

**Аввало шуни қайд этиш лозимки, мамлакатимизда барча мулк шакллари каби хусусий мулк ҳам дахлсиздир. Асосий қонунимизнинг 54-моддасида белгиланганидек, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Шунинг баробарида мулкдор ўзига тегишли мулкни ўзи истаган шахсга мерос қилиб қолдириши мумкин.**

*Huquq va burch*

## Мерос ҳуқуқи

### қонун билан кафолатланган

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 182-моддасида мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш лозимки, мулк ҳуқуқи муддатсиз бўлиб, унинг авлоддан-авлодга ўтиши табиийдир. Мерос ҳуқуқи фуқаронинг ўлимидан сўнг ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши билан очилади.

Мерос деганда, шахс вафотидан сўнг унинг бошқа шахсга ўтиши мумкин бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунилади.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

*Mas`uliyat va majburiyat*

## Йўл ҳаракати қоидалари

### унга риоя этиш ҳаётимиз хавфсизлигини таъминлайди

**Юртимизда аҳоли турмуш фаровонлиги йилдан-йилга юксалиб бораётир. Бу фуқароларнинг яратилаётган турли қулайликлардан унумли фойдаланаётганида, жумладан, транспорт воситалари сони кўпаяётганида ҳам яққол намоён бўлмоқда.**

Албатта, йўлларимизда транспорт воситаларининг кўпайиб бориши хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилишни ҳам тақозо этади. Чунки бу фуқаролар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ долзарб масаладир. Бу борада қабул қилинган "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун ва "Йўл ҳаракати қоидалари"да кўрсатилган меъёрларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Белгиланган қоидаларга амал қилмаслик эса, табиийки, турли хил кўнгилсиз ҳодисаларни келтириб чиқариш билан бирга жавобгарликка ҳам сабаб бўлади.

Хусусан, Жиноят кодексининг 266-моддасида назарда тутилганидек, транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш оқибатида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Jamiyatimiz maqsadi*

# Соғлом бола – фаровон келажак гарови



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бундай кенг имкониятлар фарзандларимизнинг спортга бўлган қизиқишини янада ошириш, уларнинг соғлом, кучли, мард ва қатъиятли бўлиб камолга етишига хизмат қилмоқда. Бугун мамлакатимизда 2 миллионга яқин бола спортнинг ўттиздан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Энг муҳими, бу ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтиришнинг асосий воситасига айланди. Эътиборлиси, бу жараён таълим-тарбия тизими билан мутаносиб равишда олиб борилаётир.

Бу борадаги кенг кўламли саъй-ҳаракатлар самараси фарзандларимизнинг саломатлигида, жисмоний кўрсаткичларида ҳам намоён бўлмоқда. Ўртача вазн кўрсаткичи 14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида 43 килограммдан 47 килограммга, қизлар ўртасида эса 44 килограммдан 48 килограммга ортган. Болаларнинг бўйи ўғил болалар ўртасида ўртача 3 сантиметрга, қизлар ўртасида эса 2,9 сантиметрга ўсган. Ҳозирги вақтда 92 фоиз ўғил-қизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади.

Айтиш керакки, юртимизда ёш авлод соғлом ва баркамол бўлиб улғайиши учун зарур шароитлар яратилиши билан бир қаторда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда бу борадаги ҳуқуқий асослар тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, Олий Мажлис Сенати томонидан 2013 йил 30 апрелда маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга асосан Фуқаролик процессуал кодекси ва Оила кодексининг қатор моддаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Аниқроқ айтганда, ушбу янги қонун билан фарзандликка олишни ҳал этиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатидан чиқарилиб, фуқаролик ишлари бўйича судлар ваколатига берилди. Жумладан, Фуқаролик процессуал кодексининг 279-моддасига биноан эндиликда болани фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида кўрилади.

Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексига фарзандликка олиш тартибини белгиловчи $31^1$-боб киритилди. Мазкур боб $285^1$-$285^7$-моддаларни ўз ичига олган бўлиб, унда фарзандликка олиш тўғрисида ариза бериш тартиби, ариза мазмуни, аризага илова қилинадиган ҳужжатлар ва бошқа ҳолатлар батафсил ёритилган.

Бундан ташқари Оила кодексининг 15-моддасига тегишли қўшимчалар киритилди, алоҳида ҳолларда — ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли, деб эълон қилиниши, никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши белгилаб қўйилди.

Айтиш керакки, Оила кодексининг 151-моддасига киритилган ўзгартиришларга кўра, фарзандликка олиш васийлик ва ҳомийлик органининг хулосаси ҳисобга олинган ҳолда, суд томонидан амалга оширилади. Мазкур ишлар фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органи вакиллари, прокурор иштирокида суд томонидан ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилади. Фарзандликка олиш болаларнинг манфаатларига мувофиқ келган ҳоллардан ташқари ака-укалар ва опа-сингилларни турли шахслар томонидан фарзандликка олишга йўл қўйилмайди.

Ушбу кодекснинг 155-моддасига киритилган ўзгартишга кўра, фарзандликка олишда 16 ёшга тўлган боланинг розилиги васийлик ва ҳомийлик органлари ёки суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда аниқланади.

Шунингдек, кодекснинг 159-моддасига кўра, ота-онанинг боланинг фарзандликка олинишига розилиги нотариал тасдиқланган ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола жойлашган муассаса раҳбари томонидан ёки фарзандликка олиш амалга оширилаётган жойдаги ёхуд ота-она яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тасдиқланган аризада баён этилган бўлиши лозим.

Суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқарилгунига қадар ота-она боланинг фарзандликка олинишига берган розилигини қайтариб олишга ҳақли.

Оила кодексининг 171-моддасида фарзандликка олишни бекор қилишга фақат суд тартибида йўл қўйилиши, фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилишда ўн ёшга тўлган боланинг фикри ҳисобга олиниши белгилаб қўйилди.

Айтиш жоизки, Фуқаролик процессуал кодекси ва Оила кодексига ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларнинг киритилиши муносабати билан 2013 йил 11 декабрда Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарори қабул қилинди ва судларга бу борада раҳбарий тушунтиришлар берилди.

Кези келганда шуни қайд этиш жоизки, ушбу янги қоидаларнинг фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти судлари томонидан тўғри қўлланишини аниқлаш мақсадида 2013 йилда кўрилган фарзандликка олиш билан боғлиқ фуқаролик ишлари ўрганиб чиқилиб, натижалар умумлаштирилди.

Аниқланишича, туманлараро судлар томонидан 2013 йил давомида жами 49 та фарзандликка олиш билан боғлиқ фуқаролик иши кўрилган бўлиб, ушбу ишлар бўйича аризалар қаноатлантирилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг биринчи босқичида 2013 йил давомида фарзандликка олиш билан боғлиқ 1 та фуқаролик иши кўрилган бўлиб, ариза қаноатлантирилган.

Туманлараро судлар томонидан 2013 йил давомида жами 4 та фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги фуқаролик иши кўрилиб, барча кўрилган ишлар бўйича даъволар қаноатлантирилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, фарзандларимизнинг соғлом муҳитда тарбияланишини таъминлаш уларнинг келажакда комил инсон бўлиб вояга етишининг энг муҳим омилидир. Шунинг учун ҳам юртимизда ҳар бир бола алоҳида меҳр ва эътибордадир.

**Дилноза ИСАЕВА,**
*фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг катта мутахассиси*

---

*E'tirof*

# Комилликка етакловчи маънавий мерос

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Заҳириддин Муҳаммад Бобур улкан шоир, тарихчи, географ сифатида тарих саҳифаларидан муносиб ўрин олган. Истиқлол шарофати билан шоир асарлари, жумладан, "Бобурнома" мукаммал ҳолда нашр этилди. Унда Бобурнинг мураккаб ҳаёт йўли, эл-юрт фаровонлиги учун қилган саъй-ҳаракатлари ўзининг ҳаққоний ифодасини топган. Ўттиздан ортиқ тилларга таржима қилинган ушбу асарнинг тарихий ва бадиий қиммати бениҳоя юксакдир.

Шунинг учун ҳам "Бобурнома" ўз даврининг қомусий манзараларини саҳифаларида жо этган буюк бир ёзма обида сифатида умуминсоният маданияти хазинасидан шарафли ўрин эгаллади. Бу ноёб манба адабиётимизнинг дунёга машҳур асарлари қаторидан ўрин олди.

Буюк бобокалонимизнинг маънавий мероси нафақат адабиёт дарслари жараёнида, балки тўгарак машғулотларида, "Маънавият сабоқлари"да, музейлар, санъат даргоҳларида ўтказилаётган турли ижодий кечалар, учрашувлар, адабий анжуманларда ҳам ёшлар қалбига чуқур сингдириб борилмоқда.

Бобур ижодида, айниқса, инсонни комилликка чорловчи маънавий фазилатлар кенг тараннум этилади. Айниқса, адибнинг тарих, тилшунослик, ҳуқуқшунослик, мусиқа ва жуғрофияга оид нодир асарлари бизга ўтмишимиз ҳақида жуда кўп маълумотлар бериш билан бирга, ўзлигимизни англашда муҳим манба бўлиб хизмат қилаётир. Бу жараёнда Бобур халқаро жамғармаси томонидан улуғ шоир ҳамда унинг авлодлари ижодий меросини ўрганиш, кенг тарғиб қилиш, кўҳна ва боқий қадриятларимизни асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Мазкур жамғарма аллома ҳаёти ва ижодини мукаммал ўрганишда бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Жамғарма ташаббуси билан Бобур ва бобурийларнинг бебаҳо маданий мероси, уларга оид қимматли манбаларни ўрганиш, бобурийлар сулоласи тарихи ва маданияти ҳақидаги қимматли илмий ва бадиий асарларни юртимизга олиб келиш бўйича салмоқли ишлар бажарилди.



Мазкур жамғарма мутахассисларининг маълумотига кўра, хорижий мамлакатларга уюштирилган ўндан ортиқ илмий экспедициялар натижасида жамғарма ҳузуридаги "Бобур ва жаҳон маданияти" музейида 300 га яқин нодир қўлёзма асарларни тўплашга муяссар бўлинди. Улар орасида "Бобурнома"нинг испан тилидаги таржимаси, бу мумтоз асарнинг Ҳайдаробод нусхасининг фотофаксимал нашри алоҳида ўрин эгаллайди.

Мухтасар қилиб айтганда, бебаҳо маънавий меросимизни тиклаш, ривожлантириш ва кенг намойиш этиш жараёнида улуғ ватандошимиз Бобур Мирзонинг ҳаёти ва ижоди чуқур ўрганиб борилмоқда. Зеро, улуғ шоир асарларидаги ватанпарварлик, инсонпарварлик каби эзгу ғоялар ёш авлод учун ҳамиша ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

**Муаттархон РЎЗИБОЕВА**

---

*Qonun ko`magi*

# Хорижий инвестиция

## иқтисодиётимизни юксалтиришда муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Истиқлол йилларида юртимизда давлатимиз томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга йўналтирилган алоҳида ишлар билан бир қаторда хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида ҳам муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Энг асосийси, хорижий сармоядорларнинг мамлакатимизда эркин фаолият юритишига доир зарур қонунчилик базаси яратилгани амалда кутилган самараларни бермоқда. Жумладан, "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги, "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги, "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги қонунлар ижросининг тўлиқ таъминланаётгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Айтиш жоизки, Президентимизнинг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлш борасида Адлия вазирлиги томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда мониторинг ўтказиш чоғида корхоналарнинг муаммоларини ҳал этишга, қонунчиликдаги кафолатлар, имтиёз ва афзалликлардан унумли фойдаланишга, давлат органларининг мазкур корхоналар фаолиятига асоссиз аралашувларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган 2013 йилда Адлия вазирлигига хорижий инвесторлардан келиб тушган 429 та мурожаатнинг 402 таси кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этилди.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, назорат қилувчи органлар томонидан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ўтказилган ўрганишларда назорат қилувчи органлар томонидан 20 та ҳолатда текширишларни тайинлаш ва ўтказиш тартибининг бузилишига йўл қўйилганлиги, шунингдек, хорижий инвестиция иштирокидаги 6 та корхона фаолиятида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши рухсатисиз ноқонуний текширишлар ўтказилганлиги аниқланди.



Масалан, Наманган тумани "Давлат санитария-эпидемиология назорати" маркази томонидан "Голден Силк" қўшма корхонасида ўтказилган текширишда, текширишлар тартибини бузиш ҳолатларига йўл қўйилган. Адлия идораси томонидан ушбу қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш юзасидан киритилган тақдимнома ижросига кўра, марказнинг маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарори бекор қилиниб, қўшма корхонага 397.950 сўм маблағи қайтарилди ҳамда марказ ходими М.Сотволдиевга нисбатан "ҳайфсан" интизомий жазоси қўлланилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан, 2012 йил 1 августдан бошлаб рўйхатга олувчи органлар тадбиркорлик субъектларига муҳр ва штамп ясатишга рухсатнома бериш тартиби бекор қилинган бўлса-да, Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан "Айша Бизнес Сервис" ҳамда "Сонрайз Солюшн" чет эл сармояси иштирокидаги масъулияти чекланган жамиятларини рўйхатдан ўтказишда муҳр ва штамп ясатишга рухсатнома берилган.

Юқорида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида уларга йўл қўймаслик бўйича тегишли ташкилотларга тақдимномалар киритилди.

Шунингдек, 2013 йил мобайнида хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар манфаатини кўзлаб тегишли идораларга жами 318 та тақдимнома ва 173 та кўрсатма киритилди ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини бузган 305 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилди.

Бундан ташқари хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар манфаатларини кўзлаб судларга жами 15,6 миллиард сўмлик 711 та даъво аризаси киритилди. Ушбу даъво аризаларнинг 24 таси бевосита мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига нисбатан расмийлаштирилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналарнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу, албатта, чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва шунинг баробарида иқтисодиётимизни барқарор суратларда ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

**Ж.СУЛАЙМОНОВ,**
*Адлия вазирлиги масъул ходими*

---

*Transmilliy jinoyatchilik*

# Инсон ҳуқуқлари

**Мамлакатимизда демократия умуминсоний принципларга асосланади. Уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.**

Асосий қонунимизда кафолатлаб қўйилган ушбу тамойиллар амалда ўз ифодасини топиб келмоқда. Бу борада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, шаъни, қадр-қимматини ҳимоялаш тизими яратилган. Бу орқали турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доимий эътибор қаратилмоқда.

Чунки ҳаётда шундай жиноий қилмишлар ҳам учрайдики, улар трансмиллий характер касб этиб, дунё халқларининг тинч ва осойишта ҳаётига таҳдид солади. Одам савдоси жинояти шулардан бири бўлиб, бугунги кунда бу жиноий қилмиш жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишлантираётгани ҳеч кимга сир эмас.

Бу жиноий қилмишнинг хавфлилиги шундаки, одам савдоси деганда, одамни олиш-сотиш, эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш тушунилади. Кўриниб турибдики, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар жамиятимизга зарар етказади, салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Ушбу тоифадаги жиноятларга қарши кураш мақсадида мустақиллик йилларида юртимизда муҳим чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Айниқса, мамлакатимизда одам савдосига қарши курашнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Жумладан, республикамиз томонидан 2003 йилнинг 12 декабрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Одам савдоси ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликда фойдаланишга қарши кураш тўғрисида"ги, "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги конвенциялари ратификация қилинди.

2008 йил 17 апрелда "Одам савдосига қарши кураш тўғрисида"ги қонун амалга киритилди. Ушбу қонун меъёрларини ҳаётга самарали татбиқ этиш мақсадида 2008 йилнинг 8 июлида Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берди. Шунингдек, мазкур қарор асосида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси фаолияти йўлга қўйилди.

Айтиш керакки, "Одам савдосига қарши кураш тўғрисида"ги қонун қабул қилинганидан сўнг Жиноят кодексида одам савдоси учун жавобгарликни белгиловчи жиноий-ҳуқуқий меъёрлар янада такомиллаштирилди. Аниқроғи, 2008 йил 16 сентябрда "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга асосан Жиноят кодексининг 135-моддаси диспозицияси ўзгартирилди. Унинг санкция қисмидаги жазо чоралари кучайтирилди.

Бундан ташқари Олий суд Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги **"Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёт тўғрисида"**ги 12-сонли қарорида судларга ушбу тоифадаги ишларни кўришда раҳбарий тушунтиришлар берилган бўлиб, мазкур қарор қонунларни бир хилда қўллашда ўта муҳим асос вазифасини ўтамоқда.

Амалиёт таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, одам савдоси сингари қабиҳ қилмишга қўл урган кимсалар жинояти ҳеч қачон очилмасдан қолмайди. Табиийки, айбдорлар қилмишига яраша қонун олдида жавоб беради. Қуйидаги мисол ҳам фикримизни тўлиқ тасдиқлайди.

Судланувчи Ж.Очилова (исм-фамилиялар ўзгартирилди) Г. ва Н. исмли аёлларга хорижда осон йўл билан катта бойлик тўплаш мумкинлигини айтиб, алдов йўли билан уларни ёллайди. Устаси фаранг Ж.Очилова уларни беш йилда катта миқдорда пул ишлаб олишга, данғиллама ҳовли, шахсий автомашинага эга бўлишига қаттиқ ишонтиради. У аёлларни хорижга жўнатиш эвазига ўзига 8 минг АҚШ доллари миқдорида пул ишлаб бериши кераклигини айтади.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, экологик соҳада қабул қилинган ва амалда қўлланилиб келинаётган қонунлар таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг аксариятида экологик назорат, асосан, давлат органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган эди. Айрим қонунларда жамоат назоратига оид меъёрлар мавжуд бўлсада, бироқ ушбу назоратнинг турлари, уни амалга ошириш усул ва шакллари, умуман, назорат қилиш механизмлари назарда тутилмаган эди. Янги қабул қилинган "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун бу борадаги бошқа қонун ҳужжатларидан фарқли равишда, фуқаролик жамияти институтларининг, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш тизимида иштирок этиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш имконини берди. Хусусан, қонунда фуқаролар экологик назорат субъектлари сифатида белгиланиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш тизимида уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамланди. Шунингдек, қонунда фуқаролик жамияти институтларига экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тизимини шакллантириш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш каби ваколатлар берилди.

Бундай жамоатчи инспекторлар институти ҳозирги кунда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Корея каби давлатларнинг табиатни муҳофаза қилишга доир амалиётида кенг қўлланилиб келинмоқда.

Айтиш керакки, ушбу янги қонунда экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари ҳуқуқий мақоми белгиланди. Аниқроқ айтганда, жамоатчи инспекторлар юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини кузатиб бориш, жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказишда иштирок этиш ва бошқа қатор ваколатларга эга бўлди.

*Yangi qonun mohiyati*

# Атроф-муҳит муҳофазаси

## бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари иштироки янада кенгайтирилди



Шунингдек, ушбу янги қонунда мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоатчилик тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган қатор нормаларнинг белгиланганлиги уларни атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга кўмаклашади.

Бундан ташқари экологик назоратни амалга ошириш жараёнида атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида назорат фаолиятини мувофиқлаштириш механизми ҳам яратилди. Бу билан давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатлари ҳамда уларнинг ушбу соҳадаги вазифаларини амалга ошириш тартиби белгилаб қўйилди.

Шунингдек, ушбу янги қонунда экологик назоратни амалга оширишнинг аниқ процессуал механизмлари белгилаб берилди. Жумладан, давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратининг шакллари сифатида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилиши қайд этилди. Бу жараёнда давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишини текширишда атроф-муҳит мониторинги юритилади. Ушбу шакллардан ташқари давлат экологик экспертизаси давлат экологик назоратининг; экологик аудит эса, ишлаб чиқариш экологик назоратининг шакли эканлиги белгиланди.

Жамоатчилик экологик назоратининг шакллари сифатида эса, атроф-муҳит ҳолатини ва унинг хўжалик фаолияти ҳамда бошқа фаолият таъсири остидаги ўзгаришларини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилишини, давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишини кузатиб бориш; давлат, идоравий ва ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга оширишда кузатувчи сифатида иштирок этиш; тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, ободонлаштирилиши ҳамда кўкаламзорлаштирилиши масалаларига доир ахбороти ҳамда ҳисоботларини эшитиш; жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказиш кабилар назарда тутилди.

Шунингдек, қонунда экологик назорат натижаларини расмийлаштириш, ушбу натижаларни рўёбга чиқариш шаклларига оид меъёрлар мустаҳкамлаб қўйилдики, ушбу меъёрлар экологик назоратни самарали амалга оширишга замин яратади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, табиатга, табиий ресурсларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, бугунги ва келгуси авлод манфаатлари йўлида улардан оқилона фойдаланиш зарур. Бу эса, экологик хавфсизликни таъминлашга, миллат саломатлиги ва генофондини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Бу борада қабул қилинган янги қонун табиатни асрашга қаратилган кенг кўламли ишлар самарадорлигини оширишга, атроф-муҳитни ва аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасидаги энг муҳим дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ролини янада кучайтиради.

**Музаффар МАМАСИДДИҚОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори*

*Huquqiy savodxonlik sari*

# Суриштирув ва дастлабки тергов маълумотлари

## уни рухсатсиз ошкор этиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бундай қилмишга қўл урган кимсалар ғайриқонуний йўллар билан қўлга киритилган тергов маълумотларидан ғаразли мақсад йўлида фойдаланиб, иш юзасидан ҳақиқатни аниқлашга муайян даражада халақит бериши мумкин.

Жиноят-процессуал кодексининг 353-моддасига мувофиқ, терговчи жиноят ишидаги барча маълумотларни ёки унинг муайян қисмидаги қайдларни ошкор этилмайдиган маълумотлар сифатида эътироф қилишга ҳақли. Ана шу асосда у тергов тадбирларида иштирок этаётган ёки бундай ҳаракатларни бажаришда ҳозир бўлган ёхуд тергов материаллари билан танишаётган шахслардан уларнинг зиммасига ишда мавжуд бўлган маълумотларни унинг рухсатисиз ошкор қилмаслик тўғрисида мажбурият юклатилгани ҳақида тилхат олиши мумкин.

Суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида олинган маълумотлар жиноят предмети ҳисобланишини унутмаслик лозим. Дастлабки тергов жараёнида олинган ёхуд сўроқ, юзлаштириш, тинтув каби тергов ҳаракатларини ўтказганлик тўғрисидаги баённомаларда, экспертиза материаллари ва бошқа ҳужжатларда мавжуд маълумотлар суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотлари ҳисобланади. Агар шахс маълумотларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмаган бўлса, уни Жиноят кодексининг 239-моддаси билан жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Айбланувчи томонидан иш материаллари ҳамда суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ўзидан олинмаган факт ва далиллар ҳам тергов маълумотлари сифатида эътироф этилади. Бироқ ушбу маълумотларни ошкор қилмаслик учун ҳам айбланувчидан тегишли тартибда тилхат олинган бўлиши шарт. Бинобарин, эксперт ўзи ўтказган тадқиқот якунлари, гувоҳ эса кўрсатмаларини овоза қилиш мумкин эмас.

Бундай маълумотларни суд ишни кўриб чиққанидан сўнг ошкор этган шахсни жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Агар суриштирув ва дастлабки тергов маълумотларини суриштирувчи, терговчи ёки прокурор ошкор этса, зарур белгилар мавжуд бўлган тақдирда, улар Жиноят кодексининг 205 ва 207-моддалари бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин.

Албатта, тергов маълумотларини рухсатсиз ошкор этмаслик иш юзасидан ҳақиқатни аниқлаш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, зарур ҳолларда шахснинг айбсизлик презумпциясига қатъий амал қилиш ва бу орқали ишга алоқадор томонларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли тарзда ҳимоялаш имконини беради.

**Баҳром ҲАЙИТБОЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Урганч туман суди судьяси*

*Mas`uliyat va majburiyat*

# Йўл ҳаракати қоидалари

## унга риоя этиш ҳаётимиз хавфсизлигини таъминлайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш керакки, ҳаётда баъзан йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик ҳолатлари учраб туради. Шу ўринда маълумотларга эътибор қаратсак, жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар суди томонидан 2013 йилда транспорт воситалари билан боғлиқ кўрилган жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар 2012 йилдагига нисбатан бир мунча камайган. Яъни, 2013 йилда суд томонидан Жиноят кодексининг 266-моддаси билан 70 нафар шахсга нисбатан 69 та жиноят иши кўриб чиқилган. Бу тоифадаги жиноятларнинг содир этилишига асосан маст ҳолатда транспорт воситасини бошқариш, тезликни ошириш, ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмасдан транспорт воситасини бошқариш, техник жиҳатдан носоз бўлган транспорт воситаларини бошқариш ва бошқа йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари сабаб бўлмоқда.

Масалан, А.Матешов 2013 йил 10 июнь куни "ВАЗ-2104" русумли автомашинасини ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқариб, "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 3.1 ва 12.1-бандларига амал қилмасдан, велосипедда ҳаракатланиб кетаётган Қ.Султановни уриб юборган. Оқибатда жабрланувчи вафот этган.

Ж.Хўжаев эса, 2013 йил 1 август куни "Нексия" русумли автомашинасини бошқариб кетаётиб "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 12.1 ва 15.9-бандларига риоя қилмаганлиги оқибатида "Матиз" русумли автомашинани уриб юборган. Оқибатда унинг ҳайдовчиси А.Алламов ва бошқа йўловчилар турли даражада тан жароҳати олишган.



Судлар томонидан бундай жиноят содир этганларга нисбатан тегишли жазо тайинлаш билан бирга, жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни қоплатиш чоралари ҳам кўрилмоқда.

Шу билан бирга, транспорт воситалари ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳар бир иш бўйича жиноят содир этилишига олиб келган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда асослар мавжуд бўлган тақдирда, уларга нисбатан процессуал қонунчиликда назарда тутилган тартибда тегишли чоралар кўрилмоқда. Чунончи, бу тоифадаги жиноят ишларини кўришда жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланиб, хусусий ажримлар чиқарилмоқда. Ўз навбатида, бу хусусий ажримлар тегишли давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларга юборилиб, улардан жиноят содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш талаб қилинмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этиш йўлларда эркин ҳаракатланиш имконини берибгина қолмай, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини, таъминлаш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкини ҳимоялаш имконини беради.

**Х.АСАНОВ,**
*Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг судьяси*

# – энг олий қадрият

Шундан сўнг Ж.Очилова самолётга чипта сотиб олиш учун уларнинг фуқаролик паспортини олади.

Саробга ишонган аёлларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини қўлга киритган Ж.Очиловага З.Аллобердиев ва Э.Мардиқуловлар жиноий шериклик қилишади. Судланувчи Ж.Очилова алдовга ишонган икки аёлнинг фуқаролик паспортини З.Аллобердиев ва Э.Мардиқуловларга 1000 АҚШ долларига сотиб юборади. Шундан сўнг бу жиноий қилмиш З.Аллобердиев ва Э.Мардиқуловлар томонидан давом эттирилади. Бу гумроҳлар аёлларнинг номига "Тошкент-Алмата-Тбилиси" авиарейсига расмийлаштирилган чипта харид қилишади.

Энди З.Аллобердиев ва Э.Мардиқуловлар ўзларининг жиноий ҳаракатларини якунига етказиши, яъни жабрланувчиларни Тошкент халқаро аэропорти орқали чет элга жўнатиб юбориши керак эди. Шу мақсадда судланувчи Э.Мардиқулов киракаш машинада "Самарқанд-Тошкент" йўналишида қатновчи автомобиллар бекатидан йўлга чиқади. Бироқ вилоятнинг "Юқори нуқта" йўл-патруль хизмати назорат постида машина тезкор тадбир чоғида тўхтатилади. Судланувчи Э.Мардиқулов тинтув қилинганда унинг ёнидан Г. ва Н.ларнинг фуқаролик паспортлари ҳамда уларнинг номига расмийлаштирилган авиачипталар чиқади ва улар ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинади.

Суд ҳайъати Ж.Очилова, З.Аллобердиев ва Э.Мардиқуловларнинг одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишда ифодланган хатти-ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми "б", "е" бандлари билан тўғри малакаланган деган тўхтамга келди. Суд ҳар учала судланувчининг жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олди. Суд жавобгарлар Ж.Очилова, З.Аллобердиев, Э.Мардиқуловларни Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисми "б", "е" бандлари билан айбдор, деб топиб, ҳар бирига қонуний жазо тайинлади.

Шу ўринда одам савдосидек қабиҳ қилмишнинг олдини олиш мақсадида, жиноятни яшириш, у ҳақда хабар бермаслик оқибати яхшилик билан тугамаслигини яна бир карра таъкидлаб ўтиш жоиз. Гап шундаки, бир уйда яшаган одамлар бир-бирининг қандай иш билан машғул эканлигини жуда яхши билишади. И.Ҳақназарова З.Аллобердиев ва Э.Мардиқуловлар билан вақтинча ижарада яшаб келган. И.Ҳақназарова З.Аллобердиев билан Э.Мардиқуловнинг аёлларни хорижга ғараз ва паст ниятда жўнатишга тайёргарлик кўришаётганлигини билган, гувоҳи бўлган. Аммо у жиноят ҳақида хабар қилиш лозимлигини била туриб, ўз вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига бу ҳақда хабар бермаган.

Жиноятни била туриб, вақтида хабар бермаганлиги учун И.Ҳақназарова ҳам Ж.Очилова, З.Аллобердиев ва Э.Мардиқуловлар билан суднинг қора курсисида ўтиришга мажбур бўлди, қилмиши учун жавоб беришига тўғри келди. Суд И.Ҳақназарованинг содир этган жиноятига баҳо бериб, судланувчининг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, аёл киши эканлигини ҳисобга олди. Суд И.Ҳақназаровани Жиноят кодексининг 241-моддаси 1-қисми билан айбдор, деб топиб, унга нисбатан ойлик иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорида давлат фойдасига ушлаб қолган ҳолда икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган хулоса шуки, инсоннинг дахлсиз ҳуқуқларига путур етказиш, инсон эркинлигини чеклашга нисбатан ҳар қандай уриниш юқоридаги каби жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Шундай экан, ўзгаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш инсоний бурчимиз эканини унутмайлик.

**Тўлқинжон ҚОДИРОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг раиси*

*Jinoyat va jazo*

# Жиноятга бошлаган ҳасад

## Суд очерки

Ярим тун. Атроф сув қуйгандек жим-жит. Ҳиммат ака энди уйқуга кетган эди, аммо у (барча исм-шарифлар шартли) ўғли Хуршиднинг кутилмаганда бақириб юборганидан чўчиб уйғониб кетди. У аллақандай кўнгилсиз воқеа рўй берганини сезиб, ҳовлиққан кўйи ташқарига отилди. Бироқ остона ҳатлашга улгурмай, юзига ниқоб тақиб олган уч нафар нотаниш кимсага дуч келдию қўрқувдан буткул ўзини йўқотиб қўйди. У довдираган кўйи ётоқхонага қайтиб кирди-ю, чироқни ёқди. Ҳалиги нотаниш кимсалар ҳам унинг ортидан ичкарига отилиб киришди. Уларнинг бири ҳамон ўзига келмаган хонадон соҳибига зарб билан мушт туширди. Мушт зарбидан ерга қулаб тушган Ҳиммат акани тўрт нафар барзанги ўртага олганча тепкилашга тушишди. Ҳиммат ака уларга қаршилик кўрсатишга ҳарчанд уринмасин, аммо бунинг уддасидан чиқолмади. Орадан кўп ўтмай ҳалиги нотаниш кимсалар Ҳиммат акани Хуршиднинг хонасига судраб киришди. Буни қарангки, Хуршид ҳам қўллари чандиб боғланган ҳолда, юзтубан ётарди. Босқинчилар хонани ағдар-тўнтар қилганча бойлик излашарди. Ниҳоят, хона бурчагида турган сандиқ ичидан пулни топишгач, босқинчилар бироз тинчлангандек бўлди. Аммо орадан хиёл фурсат ўтмай, уларнинг бири "Долларни қаерга яширгансан?", — дея Ҳиммат акани сикувга ола бошлади.

Бу пайтда босқинчиларнинг бири тахмондаги кўрпа қатидан 900 АҚШ доллари миқдоридаги пулни топиб олгач, улар яна хонани титкилай бошлашди. Шу чоғ кутилмаганда ҳовлидан кимнингдир хавотирли овози эшитилди:

— Фаррух, бизни сезиб қолишди. Тезроқ кетмасак, аҳвол чатоқ...

Босқинчилар қўлга киритган "ўлжа"ларини олиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлишди.

* * *

Жиноий шериклар қабиҳ ниятларини амалга оширгач, "Матиз" русумли автомашинани елдек учирганча, воқеа жойидан тобора узоқлашиб боришарди. Уларнинг бири қўлга киритган ўлжани чамалаб кўрди-ю, норози оҳангда тўнғиллади:

— Ўв, Ҳикмат, сен амакимнинг пули жуда кўп дегандинг. Лекин аранг 20 миллион сўм билан 900 АҚШ доллари топдик. Анави иккита телефон аппарати ҳам ҳеч вақога ярамайди. Билиб қўй, бирон ишкал чиқса, ўзинг бошинг билан жавоб берасан...

Буёғини сўрасангиз, бу жиноятнинг "ташкилотчиси" жабрланувчи Ҳиммат аканинг жияни Ҳикмат Ҳайитов эди. У отаси-Ҳаёт ака билан амакиси Ҳиммат аканинг ўртасига алланимадан совуқчилик тушганидан хабар топдию, негадир амакисидан ўч олиш ҳақида ўйлай бошлади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Диққат, танлов!

# ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» IX миллий мукофоти

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" IX Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.**

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2013 йилнинг 31 мартидан 2014 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2014 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.** Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

"Олтин қалам" танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва республикамиздаги жамоат ташкилотлари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле, радио, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:

— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— муаллифнинг тураржойи, уй ва иш телефонлари;

— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими 2014 йил 2 майда — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида "Туркистон" саройида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30-, 35-хоналар.
Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87.

**www.Journalist.uz**

*Huquq va burch*

# Мерос ҳуқуқи

## қонун билан кафолатланган

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Амалдаги Фуқаролик кодексида мерос ҳуқуқи, мероснинг очилиши, уни ҳимоя қилиш, мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, мерос таркиби ва уни сақлаш, бошқариш, қўриқлаш ҳамда тасарруф қилиш, шу билан бирга, унинг меросхўрларга ўтиш тартиби ва шартлари ҳам белгилаб қўйилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мерос таркибига фақатгина ашёлар эмас, балки мерос қолдирувчининг бошқа жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан ҳар хил қонуний талаблари ҳам киради. Масалан, мерос қолдирувчи олиши лозим бўлган, аммо ололмай қолган иш ҳақи, муаллифлик ҳуқуқи каби бир қатор ҳуқуқлари ҳамда мерос қолдирувчининг мулкий мажбурияти ҳам киради.

Юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолик, уларда иштирок этиш ҳуқуқлари, агар қонун ёки шартномада бошқа ҳолат белгиланган бўлмаса, ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун товон ундириш ҳуқуқи, алимент мажбуриятлари туфайли юзага келган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар, меҳнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқи, мулкий ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлар эса мерос таркибига кирмайди.

Мерос қолдирувчига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий бойликлар меросхўрлар томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши мумкин.

Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган мерос қолдирувчи шахсга қариндошлик муносабатида бўлган шахслар қонун бўйича меросхўрлар доирасига кириб, уларнинг қариндошлик доирасига қараб, амалдаги Фуқаролик кодексининг 1135-1141-моддалари талабларига мувофиқ, ворисликка чақирилади. Ушбу қонун бўйича, биринчи навбатдаги ворисларга мерос қолдирувчининг фарзандлари, шу жумладан, боқиб олинган фарзандлар, марҳумнинг эри ёки хотини, шунингдек, ота-онаси тенг улушли ҳисобланади.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этсак, Т.Абдуллаев судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, отаси А.Абдуллаев 2003 йилда, онаси М.Абдуллаева 2011 йилда вафот этганлигини, оилада икки нафар фарзанд — синглиси М.Абдуллаева ва ўзи бўлганини, синглиси турмушидан ажралиб келиб, ота-онасининг уйида яшаб, 2002 йилда вафот этганлигини, синглисидан уч нафар фарзанд қолганлигини, улар ота-онасидан қолган Тўрақўрғон туман, "Ибрат" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган ҳовлида яшаб келишаётганини, у ҳам ота-онасидан қолган уйдан ўзига тегишли мерос ҳиссасини талаб қилганида, синглисининг фарзандлари — Ю.Ҳамроқулова, Қ.Ҳамроқулова ва О.Ҳамроқуловалар қаршилик қилиб, унга ҳеч қандай мерос беришмаётганини, низоли ҳовли-жойни кадастр ҳужжатларига кўра мерос мулк деб топиб, мерос ҳовли-жойдан натура ҳолида ҳисса ундириб беришни сўраган.

Суд ушбу ишни атрофлича ўрганиб чиқиб, амалдаги Фуқаролик кодексининг 1135-моддасида мерос қолдирувчининг болалари, шу жумладан, фарзандликка олинган болалари, эр ёки хотин ва ота-онаси тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар деб қайд этилган талабдан келиб чиқиб, даъвогар ва жавобгарларнинг фикрларини тинглаб, низоли ҳовли-жойни мерос мулки деб топиш ва натура ҳолида ҳисса ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, мероснинг қонун доирасида, адолатли тақсимланиши мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини кафолатлаши баробарида меросхўрларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

**Қ.БАБАЕВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Чуст туманлараро судининг раиси*

*G'aroyib olam*

**Маълумки, кейинги йилларда дунёнинг бир қатор давлатларида қуёш энергиясидан унумли фойдаланиш бўйича муайян чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.**

# Биз билган ва билмаган дунё




Жумладан, АҚШда автомобиллар ёқилғисини тежаш борасида янги стандартлар жорий этилди. Европа давлатларида эса, 2020 йилга бориб электр энергиясига бўлган эҳтиёжини 10 фоизга камайтиришни режалаштирмоқда. Хитойда 2011 — 2015 йиллар давомида энергия истеъмоли умумий ҳажмини 16 фоизга камайтириш мақсад қилиб қўйилган. Негаки, мутахассисларнинг маълумотларига кўра, сўнгги пайтларда ҳавода атроф-муҳитга, инсон саломатлигига салбий таъсир қилувчи моддалар, яъни карбонат ангидрид гази, метан ва азот оксиди миқдори сезиларли даражада ошган. Шу боис қуёш энергияси келажакда инсоният учун асосий энергия манбаига айланиши башорат қилинмоқда. Айни пайтда дунёдаги энг катта қуёш электр станцияси АҚШдаги Мохаве чўлида жойлашган бўлиб, у 404 гектар ҳудудни қамраб олган.

2011 йилда Европада қуёш энергияси ёрдамида ҳаракатланувчи "Париж-Амстердам" йўналиши бўйича дастлабки поезд қатнови йўлга қўйилди, унга зарур электр манбаи Бельгия шимолида жойлашган қуёш батареялари ёрдамида ишлаб чиқарилади. 50 минг квадрат метр ҳудудда жойлашган 16 минг дона қуёш батареяси 3,3 мегаватт-соат миқдорида электр ишлаб чиқаради. Мазкур лойиҳа қиймати 15,6 миллион еврони ташкил қилган.

1990 йилда АҚШда қуёш энергиясидан фойдаланувчи илк самолёт 4000 километрдан зиёд масофани босиб ўтишга муваффақ бўлган. Бунда самолётнинг парвози учун бир томчи ҳам бензин сарфланмаган. Самолётнинг ўртача тезлиги соатига 65 километрни ташкил этган, бироқ у 12 минг километр баландликка кўтарилиш имконига эга.

Қуёш энергияси ёрдамида ҳаракатланувчи илк автомобил эса, 1950 йилларда яратилган эди, "Қуёшмобил"нинг электр мотори қуёш нурини электр энергиясига айлантириш ҳисобига ҳаракатга келтирилади. Унинг устига ўрнатилган қуёш батареяси — ҳақиқий "юраги"дир. Бу машина тунда ҳам юриши мумкинми? Албатта, қош қорайгач, у қуёш батареяси аккумуляторга берган қувват ёрдамида ҳаракатланади, ҳаво булут чоғида ҳам бундан унумли фойдаланиш мумкин.

Ҳозирги кунда қуёш энергияси ёрдамида ҳаракатланувчи кемалар орасида "Туранор" деб номланган яхта машҳур бўлиб, 2012 йилда у дунё бўйлаб саёҳат қилган. Ундаги қуёш панеллари 500 квадрат метр ҳудудни қамраб олган, у 60 нафар йўловчини бемалол ўз манзилига етказиб қўя олади. Айни пайтда бу кема денгиздаги жараёнларни ўрганувчи илмий тадқиқот марказига айлантирилган.

Австралиянинг Аделаида шаҳрида 2007 йилдан буён "Тиндо" номли автобус қатнови йўлга қўйилган, у тўлиғича қуёш энергияси ҳисобига ҳаракатланади. Ҳатто автобусда йўловчилар зерикмаслиги учун ҳар бир ўриндиқ суянчиғининг орқа ўнгирига компьютер ўрнатиб чиқилган: йўловчилар хоҳлаган маълумотларини олиши, фильм томоша қилиши мумкин. Бундан ташқари йўловчилар қизиқса, автобуснинг техник аҳволи, қаерда кетаётганлиги ва бошқа ахборотларни ҳам билиб олиши қийин кечмайди. Ҳисоб-китобларга кўра, бундай автобуснинг ҳар бири йилига 75 тонна миқдоридаги заҳарли моддалар атмосферага чиқишининг олдини олади.

Эътиборлиси, халқаро космос станцияси қуёш энергиясидан фойдаланишни 1958 йилданоқ бошлаган эди, унинг фаолияти учун зарур бўлган электр тўлиғича қуёшдан олинади. Станциянинг ноёб жиҳати шундаки, у ҳам қуёшдан келаётган, ҳам ерда акс этган қуёш нурларини электр энергиясига айлантира олиш имкониятига эга. Бу орқали станция нафақат ўз компьютер тизими, балки иситиш қурилмасини ҳам текин энергия билан таъминлайди.

Яқинда Венгрияда ҳам қуёш энергияси ёрдамида ҳаракатланувчи поезд ишга туширилди. У мамлакатнинг тоғли ҳудудларидан бирида қатнаб, асосан, табиат манзараларини хуш кўрувчи сайёҳларга хизмат кўрсатади. Гарчи поезднинг тезлиги соатига 25 километрни ташкил этса-да, у сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.**

*Jinoyat va jazo*




(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Бу ғаразли ўй унинг фикру хаёлини буткул банд этиб олганидан у амакисининг барча яхшиликларини, ҳатто ўзининг ўқиши учун шартнома пулини тўлаётганини ҳам бутунлай унутиб қўйди. Кунлардан бир кун у холасининг ўғли Комил Обидовга кўнглини ёрди:

— Комил ака, Ҳиммат амаким сўнгги пайтларда жуда ҳаддидан ошиб кетди. Отамни назарписанд қилмай қўйди, нуқул кўрслик қилади. Хуллас, унинг ақлини киритиб қўймасак бўлмайди...

Ўша кезда К. Обидов Ҳикматга "Хавотирланма, ҳаммаси яхши бўлади", дея тасалли бергандек бўлди. Орадан бир муддат ўтгач, аниқроғи, 2013 йил январь ойининг бошларида Комил Ҳикматга қўнғироқ қилиб, Жасур Эшматовнинг уй манзилини тушунтирди ва тезда етиб келишини тайинлади. Ж. Эшматовнинг уйида Комил Обидов Ҳикматни Жасур Эшматов, ака-ука Бахтиёр ва Фаррух Қодировлар ҳамда Фаррух Абдураҳмонов билан таништиргач, муддаога ўтди.

— Амакинг билан ҳисоб-китоб қилиб олишга шу йигитлар ёрдамлашишади. Сен фақат уйнинг тузилиши, қайси хонада ким истиқомат қилишини чизиб кўрсатсанг бўлгани...

Шу заҳотиёқ Ҳикмат Комилнинг талабини бажаришга киришди. Ниҳоят, 2013 йил 22 январь куни жиноий гуруҳ аъзолари яна Жасур Эшматовнинг уйида тўпланишди. Аввалдан келишилганидек, ҳеч ким танимаслиги учун ниқоблар, бармоқ изларини қолдирмаслик учун қўлқоплар тахт қилиб қўйилганди. Биргина Чорвоқ қўрғонидаги Чинор қишлоғига етиб бориш ва ортга қайтиш учун автомашина етмай турарди. "Уддабурон" Жасур Эшматов бунинг ҳам йўлини топади. У таниши Мансур Раҳматовнинг "Матиз" русумли автомашинасини "ярим соатга" сўраб олди. Унинг қабиҳ ниятидан бехабар М. Раҳматов лоқайдлик билан автомашинасини бериб юборади ва у Жасурнинг уйида уларнинг қайтиб келишини кутганча пинакка кетади. Жиноий шериклар автомашинанинг давлат рақамини ечиб олгач, ярим тунда Чинор қишлоғига етиб келишади ва Ҳиммат Ҳайитовнинг хонадонида юқорида тафсилоти баён этилган жиноятни содир этишади.

* * *

Ўша тун жиноий шериклар Ж. Эшматовнинг уйига қайтиб келишгач, босқинчилик йўли билан қўлга киритган "ўлжа"ни бир-бир санашга тушишади. Бундан бехабар Мансур Раҳматов катта миқдордаги пулни кўради-ю, ҳангу манг бўлиб қолади. У ичидан аввалдан танийдиган бу йигитларнинг қандайдир жиноятга қўл уришганини англаб, юрагига хавотир оралайди. Шу боис у шошганча уйига кетишга ошиқади. Ж.Эшматов эса азбаройи сахийлиги тутиб, унга "кам-кўстингга ишлатарсан", дея 100 минг сўм пул узатади. Мансур эса, пулни олишдан бош тортади.

Ҳамтовоқлар қўлга киритилган текин бойликни тез орада маишату зиёфатларга сарфлаб юборишади. Албатта, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан ушбу жиноятни содир этган босқинчиларга нисбатан қидирув-суриштирув ишлари изчил тартибда олиб борилаётганди. Бу жиноий қилмишдан хабардор бўлган Мансур Раҳматов эса, ўзининг фуқаролик бурчини адо этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларига хабар беришни хаёлига ҳам келтирмади. Оқибатда эса, жиноий гуруҳ аъзоларининг яна бир жиноят содир этишига йўл очиб берди...

* * *

Табиийки, жиноий шериклар аввалига қабиҳ қилмишлари фош бўлиб қолишидан ҳадиксираб юрган бўлишса-да, кейинчалик хотиржамликка берилишди.

Кунларнинг бирида Ж.Эшматов, К.Обидов ва Б.Бековлар тамаддихонада учрашишди. Гап орасида Комил Обидов "очиқ савдо"га ўтди:

— Мен бир "объект"ни мўлжаллаб қўйдим. Бу гал Чирчиқдаги компьютер клубини ўмарамиз. Ҳозир айнан шундай буюмларнинг бозори чаққон, айниқса, "джостик"лар жуда харидоргир. Фақат бу гал шериклар сонини кўпайтирмаймиз.

Шундан сўнг ҳамтовоқлар жиноий режани муҳокама қила бошлашди. Шу тариқа 2013 йил 13 март куни тунги соат 2 ларда Чирчиқ шаҳрида жойлашган "Файз" компьютер ўйинлари клуби ёнида Жасур Эшматов, Комил Обидов ва Бахтиёр Бековлар пайдо бўлишди. Улар атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, клубнинг дераза ойнасини ўзлари билан олиб келган болға ёрдамида уриб синдиришди ва ичкари киришди. Клубда компьютер ўйинларининг ускуналари қалашиб ётарди. Улар шоша-пиша мосламаларни сумкаларга жойлаб бўлгач, дарҳол ғойиб бўлишди. Катта йўлга чиқиб олгач, йўловчи автомашинада Жасур Эшматовнинг уйига етиб келиб, ўғирланган буюмларни шу ерда қолдиришди ва уй-уйларига тарқалишди.

Эртаси куни жиноий шериклар яна Ж.Эшматовнинг уйида учрашишди. Улар жиноий йўл билан қўлга киритган буюмларни тезроқ пуллаш мақсадида бир йўловчи автомашинани кира қилиб, Чирчиқ шаҳри томон йўл олишди. Бироқ улар кўзланган манзилга етиб бора олмади. Бўстонлиқ тумани ИИБ ЙҲХХБ ходимлари жиноий шерикларни Чирчиқ шаҳрига олиб кетаётган автомашинани кўздан кечиришаркан, 2 та сумкага жойланган компьютер ўйинларининг ускуналари уларда шубҳа уйғотди. ЙҲХХБнинг зийрак ходимлари бу автомашинани жарима майдончасига келтириб, шубҳали буюмларнинг кимга тегишли эканини сўраб-суриштира бошлашди.

Чорасиз қолган жиноий шериклар охир-оқибат айбларига тўлиқ иқрор бўлишди. Шунингдек, улар дастлабки терговчоғида Ҳиммат Ҳайитовнинг хонадонида босқинчилик жиноятини содир этганларини ҳам тан олишди.

Айтиш керакки, жиноят ишлари бўйича Бўстонлиқ тумани суди томонидан бу икки жиноий қилмишни содир этган кимсаларга қонуний жазо тайинланди. Жумладан, босқинчилик ва ўғирлик жиноятларини содир этган Жасур Эшматов, Комил Обидов ва Бахтиёр Бековларга нисбатан 13 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Шунингдек, босқинчилик жиноятини содир этган Ҳикмат Ҳайитов ҳам узоқ муддатга озодликдан мосуво этилгани баробарида олий ўқув юртида таҳсил олиш имкониятидан ҳам маҳрум бўлди.

Жиноий гуруҳнинг яна бир аъзоси Фаррух Абдураҳмоновнинг жиноят иши алоҳида иш юритувига ажратилиб, унга нисбатан қидирув эълон қилинди. Аниқроқ айтганда, жиноий жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида яшириниб юрган бу кимса эртами-кечми, қонун олдида, албатта, жавоб беради.

Шунингдек, қасддан содир этилган ўта оғир босқинчилик жинояти тўғрисида аниқ билгани ҳолда тегишли идораларга хабар бермаган Мансур Раҳматовга нисбатан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳар қандай қинғир иш, нечоғлик устамонлик билан амалга оширилмасин, эртами-кечми, албатта, фош этилади. Шундай экан, эгри йўлнинг адоғи тубсиз жарлик эканини, аксинча, ҳалоллик инсон умрига ҳаловат ва файз бағишлашини асло унутмайлик

**Мирвосит УСМОНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди раисининг ўринбосари*
**Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Шоюнус ГАЗИЕВ
Қўчқор ТОҒАЕВ
Русланбек ДАВЛЕТОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Икром МУСЛИМОВ
Ғайрат ҲИДОЯТОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-225. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 9512.
1 2 3 5 Топшириш вақти: 20:00 Топширилди: 20:30